

Статья посвящена оронимам, образованным благодаря географическим особенностям объектов Республики Каракалпакстан. Оронимы классифицированы на группы согласно причин образования и семантических признаков. Определенное место среди них занимают топонимы, образованные благодаря географическим приметам объектов. Такие омонимы сгруппированы в статье по способу образования и по принципу наименования. Они изучены на основе примеров оронимов Каракалпакстана.

SUMMARY

The article deals with oronyms formed due to geographical objects in the Republic of Karakalpakstan. The oronyms divided into groups upto the origin and semantic classification. The terms which were formed on the base of geographical object features take important role. In the article these oronyms are shown by dividing into small groups in according to the principles of forming and origin. They are illustrated by the example of oronyms of Karakalpakstan.

ЛОТИН ТИЛИ ТИББИЁТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ БОЙИШ МАНБАСИ СИФАТИДА

Ф.А.Акбарходжаева – мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: тиббиёт терминлари, лексика, лотин тили, ўзлашма, терминология, тушунча

Ключевые слова: медицинские термины, лексика, латынь, усвоение, терминология, понятие.

Keywords: medical terms, vocabulary, Latin, assimilation, terminology, concept

Жаҳон соғлиқни сақлаш тизимидаги олиб борилаётган ислохотларни, илмий-амалий ютуқларни, эпидемиология, санитария, экология, фармацевтика, доришunosлик каби тиббий ихтисосликлар турлари номенклатураси ишлаб чиқилган бўлиб [15], тиббиёт йўналишларини ва мавзуи гуруҳларини номлаш масаласи билан боғлиқ соҳа лексикаси ва терминологияси муаммолари тилшунос олимлар учун алоҳида эътиборга молик.

Замонавий тиббиётнинг келиб чиқиши, тараққиёт босқичи кўҳна тарихнинг турли давларидаги дунёқарашларни ўз ичига олади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ва “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тиббиёт тушунчаси “... кишилар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуи” [13:208] сифатида таърифланган. Тиббиётнинг синоними сифатида *медицина*, *табобат* каби терминлар келтирилган.

Тилнинг ижтимоий моҳияти ҳақидаги эканлиги ҳақида қарашлар ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди, бироқ тилнинг ижтимоий ўлчамлари муаммосини тадқиқ қилишга бағишланган замонавий ишлар эса ижтимоий-тил муносабатлари ва ўзаро боғлиқликлар борасидаги назарий қоидалар учун мустаҳкам асос яратди. Анъанавий тарзда тилларни бойитиш ва ривожлантириш усули сифатида қараладиган ўзлашмалар глобаллашув даврида мутлақо ўзгача баҳоланмоқда [3].

Тиббий терминларнинг аксарият қисми лотин тилида эканлиги ҳамда улар байналмилал тизимни ташкил қилиши, дунёдаги барча тиб илми вакиллари бир-бирларини осон тушунишга восита бўлиб хизмат қилади. Зеро, А.А.Реформатский байналмилал (лотин-юнон) элементлардан ҳосил бўлган терминларнинг афзалликларини бир неча бор қайд этиб, уларни истикболли, турли тил терминологик бирликларини келажакда қарор топишига ҳисса қўшади деб ҳисоблайди [11:3].

Тиббиёт терминларини тур ва тоифа принципи бўйича таснифланиш, терминларнинг микротизимла-рида кенг қўлланилади. Аммо бизнинг фикримизча, таснифланишни битта белги асосида тузиш ҳар доим ҳам муваффиқиятли бўлмайди. Тушунчаларнинг таснифланиши, одатда, умумий бўлиниш асосида тузилган, яъни, энг муҳим белгининг ўзгаришлари, битта турга тегишли объектларни ҳар хил турларга дахл этиши мумкин.

Маълумки, терминологик лексика ўзлаштирмалар борасида сезиларли ўтказувчан қатламдир. Бундан ташқари, ўзлашмалар лексик бирликлнинг этимологияси ва унинг бошқа хусусиятлари, яъни ифода режаси (морфологик тузилиши) ҳамда мазмун режаси (кўпмаънолилиқ даражаси) билан ҳам бевосита боғлиқ. “Ўзлашма сўзларни ўзбек тили лексик системасидаги ассоциатив деривацион муносабатлар жиҳатидан кўриб чиқиш, шунингдек, лексик бирликларни уларнинг ясалиши, сўз ҳосил қилиш имкониятлари ва синонимлик хусусиятлари билан таққослаган ҳолда ўрганиш зарур” [4:18].

Тиббиётнинг термин тизимининг тадқиқ қилинаётган сегментида ўзбек ва рус тилларининг ўз заҳираларидан ҳосил бўлган ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлар ажралиб туради. Тиббиёт терминологиясида бошқа тиллардан термин ўзлаштириш жараёни, лексик қатламнинг барча сатҳларида бўлгани каби, ушбу соҳа терминологиясининг тараққиётида ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

А.Мадвалиев ўзбек ва рус тиббиёт терминологияси-нинг, умуман, барча тиббиёт терминологияларининг бунчалик байналмилал терминларга бой бўлишининг сабабларидан бири сифатида XVII–XVIII асрлардан бошлаб тиббиётнинг ривожланиш маркази Шарқдан Ғарбга, хусусан Европага кўчганлиги ва шу муносабат билан кўплаб тиббий тушунчалар – турли касалликлар, паталогик ҳолатлар, симптом ва синдромлар, сунъий дори-дармонлар, сон-саноксиз тиббий асбоб ва аппаратлар, касаллик кўзгатувчи микроорганизмларни номлаш учун юнон ва лотин тилига мансуб луғавий ва аффиксал (префикс ва суффикс) элементлардан фойдаланган ҳолда минглаб янги терминларнинг яратилганлигидир деб кўрсатади [9:237].

Лотин тили замонавий дунёнинг муҳим маданий ҳодисаси бўлиб қолмоқда. Ушбу тилсиз, инсон фаолиятининг кўплаб соҳаларини тасаввур этиб бўлмайди. Маълумки, Европа давлатларининг тиббиёт соҳаси бошқа мамлакатларнинг тиббий оламиндан анча олдинда эканлиги сир эмас. Тиббиёт соҳасидаги барча илмий адабиётлар лотин тилида талқин этилган ва шу кунгача бу тил ўз мавқеини йўқотмаган.

Лотин тили қурилиги назар ташлайдиган бўлсак, лотин тили хинд-европа тиллари оиласининг роман тиллари бўлимининг асосчиси, бошловчиси ҳисобланиб, тузилиши жиҳатидан “синтетик тил ҳисобланади, яъни бунда сўзларнинг лексик ва грамматик шакллари асосан кўшимчалар воситасида ифода этилади, ва худди шу хусусиятлари билан аналитик тиллар гуруҳига кирувчи француз, инглиз ва тожик тилларидан фарқ қилади. Чунончи бу тилларда кўшимчалар ўрнини ёрдамчи сўзлар (предлоглар, артикл ва баъзан суплетив шакллар) бажаради” [6:11].

М.Н.Исраилова ўз тадқиқотида кўрсатишича атоқли инглиз шифокори, қон айланиш тизимини кашф этган Уилям Гарвей (1578-1657) ўзининг “Хайвонларда юрак ва қон ҳаракати борасида анатомик тадқиқот” асарини лотин тилида ёзган [5:154]. Лотин тилида Европа мамлакатларининг атоқли мутафаккирлари, файласуфлари, олимлари, ҳакимлари – Ф.Бекон, Т.Моор, М.Малпиги, Т.Гоббс, И.Нютон, Р.Декарт, Г.В.Лейбнис, Н.Коперник, К.Линней ва кўплаб бошқалар ўз асарларини ёзиб қолдирганлар.

Л.У.Хўжаева, Х.А.Зоҳидова ва З.З.Рахматуллаева-лар лотин тили хусусиятлари борасида тўхталиб, рус тиббий терминшунослигида илмий терминларни қўллаш ва тартибга солишга XVIII аср рус шифокори ва маърифатчиси Н.М.Максимович-Алебадикнинг хизматини таъкидлаб, ўша даврда кўплаб олимларнинг кўпгина асарларини лотин тилида ёзганликлари айтишда ва буларга мисол қилиб М.В.Ломоносов, Ф.П.Протасов каби олимларни келтиради [15:8].

Тиббиётда лотин тили анъанавий равишда анатомик, клиник ва фармацевтик терминологияда қўлланилади. Лотин тилини билиш дунёнинг турли мамлакатларидаги шифокорларга бир-бирларини осон тушуниш имконини беради. Лотин тилини тиббиётда қўллашнинг азалий анъанаси бутун дунёдаги шифокорлар учун ва тиббий таълимни бирлаштиришда хизмат қилади. Яқин яқинларгача тиббий иншооларнинг аксарияти лотин тилида ёзилган [12, 48]. Буюк рус жарроҳи Н.И.Пирогов шз илмий асарларини лотин ёзувида ёзган, И.П. Павлов эса «*Ad juventutem epistola*» деб ёшларга мурожаат қилган [14:180].

Лотин тили касбий нутқни шакллантириш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар яратди, бу тиббий ходимига турли хпрофессионал вазифаларни бажариш жараёнида коммуникатив вазифаларни амалга оширишга имкон беради. Лотин тили тиббиётнинг барча миллий тилларининг асосини ташкил этади ва шу билан тилларо професионал алоқаларни осонлаштиради. Шифокорлар қўйидаги жумлани бекорга айтмайдилар: «*Invia est in medicina via sine lingua latina*» тарж. «Тиббиёт лотин тилисиз ўтиб бўлмас ўй» [1].

Тиббиётда ишлатиладиган лотин тилида маълум миқдордаги юнон сўзлари мавжуд, шунингдек, бир қатор юнонча сўз бирикмаларидан фойдаланилади. Бу тиббиёт тарихига боғлиқ. Айнан қадимги Юнонистонда тиббиёт илми, унга қадар бўлган маданиятларга ҳам маълум бўлган, муҳим ривожланиш босқичидан ўтди.

Қадимги Юнон табибларидан энг машҳури Гиппократдир (мил. авв. 460-377). Гиппократ тиббиётга оид кўплаб асарлар муаллифи. Шубҳасиз «Афоризмлар», «Прогностикон» (касаликларнинг умумий хусусиятларини акс эттиради), «Эпидемиялар» (касаликлар тавсифи), «Одамнинг табиати» (бу ерда тўртта ҳолат (ёки суякциклар) назарияси: «кон» «флегма», «сафро» ва «қора сафро»), шунингдек «Қасам» (яъни «Гиппократ қасами» деб номланади) қабилар Гиппократ қаламига мансуб. «Гиппократ тўплами» («Сорпус Хиппократум») 100 дан ортиқ тиббий иншооларни ўз ичига олади. Гиппократ коллекциясида нафақат Гиппократ ва унинг шогирдлари, балки қадимги Юнонистон тиббиётининг бошқа соҳаларини вакили бўлган шифокорлар ҳам ишлаган [7]. Юнон тиббиётининг қадимги Миср, Оссурия ва Месопотамия маданияти билан алоқаси шубҳасиз бўлса ҳам, қадимги Юнонистон тиббий ёзувларида юнон сўзларидан фойдаланилган, ўзлаштирилган терминлардан эмас.

Қадимги Юнон файласуфи ва олими Аристотел (мил. Авв. 384-322) тиббий лўғатга катта ҳисса қўшган. *Аорта, глаукома, диафрагма, меконюм, лейкома, фаланх, экзофтальмос* каби тиббий терминлар унинг ёзувларига бориб тақалади. Аристотел тиббий лўғатда мавжуд бўлган бир қатор сўзларнинг махсус маъноларига аниқлик киритди, масалан: *mēninx, mēningos* «қобиқ» сўзлари «мия қобиғи» маъносига торайган [14].

Римдаги амалиётчиларнинг аксарияти юнонлар эди ва уларнинг энг таниқлиси Ефес Руфусидир (мил. авв. 1-2 аср). Анатомия талабалари учун у «Инсон танасининг қисмларини номлаш тўғрисида» дарслигини ёзди. Лотинлаштириш жараёнида юнонча тиббий терминлар лотин тили нормаларига ҳам график, ҳам фонетик, ҳам морфологик жиҳатдан мослашди.

Адабиётлар

1. Архипова И.С., Олехнович О.Г. О роли латинского языка в процессе межкультурной коммуникации. <https://cyberleninka.ru/article>.
2. Вайнрайх У. Языковые контакты - Киев: Выща школа, 1979. -С. 246.
3. Данияров Б.Х. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқи. -Самарқанд, 2017. 18-б.
4. Исраилова М.Н. Лотин тилини ўқитиш жараёнида тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштириш. Пед.фан. фалсафа док. (PhD) дис. -Тошкент, 2017.
5. Ёулдошев М.М. *Lingu a latina*. - Самарқанд: СамДУ нашри. 2020. 141-б.
6. Латинский язык и основы терминологии / под ред. Ю. В Шульца. - М.: Медицина, 1995.
7. Мадвалиев А. Тиббиёт терминологиясининг соҳавий ва изоҳли лўғатларда берилишига доир.// Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. - Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», давлат илмий нашриёти, 2017. 237-б.
8. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017.
9. Реформатский А.А. Мысли о терминологии. Современные проблемы русской терминологии. -Москва: 1986.
10. Столяров, А.А. Латинский язык в контексте европейской культуры. -М.: СГУ, 1998.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. www.ziyouz.com кутубхонаси.
12. Хакимова В.М. Роль вводной лекции на занятиях по латинскому языку. -Уфа. РИО БашГУ, 2004. -С. 180-181.
13. Хўжаева Л.У., Зохидова Х.А. Рахматуллаева З.З. Лотин тили. -Тошкент: 2005. 152 б.
14. Ярхо В. Н., Лобода В. И. Латинский язык. -М.: Просвещение, 1983.
15. <https://www.lex.uz/docs/3284314>

Лотин тили фан тили сифатида махсус илмий соҳалар терминологиясига жуда катта таъсир кўрсатган. Лотин тилига асосланган илмий терминларнинг пайдо бўлиши шу кунгача давом этмоқда, бу эса тилшуносларнинг ушбу соҳа лексикасига бўлган ўзгармас қизиқишларидан далолат беради. Дарҳақиқат, хорижий ва маҳаллий тилшуносларнинг асарларида лотин тили ўзлашмаларини ўрганиш муаммосига катта эътибор берилади. Зеро, лотин тили тиббиёт терминларини яратилиши ва шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

РЕЗЮМЕ

Латинский язык как язык науки оказал большое влияние на терминологию специальных научных областей. Появление научных терминов на основе латыни продолжается и по сей день, что свидетельствует о постоянном интересе лингвистов к лексике этой области. Так как, в работах зарубежных и отечественных лингвистов большое внимание уделяется проблеме овладения латинским языком. Действительно, латинский язык служит основой для создания и формирования медицинских терминов.

SUMMARY

Latin, as the language of science, had a great influence on the terminology of special scientific fields. The emergence of scientific terms based on Latin continues to this day, indicating the constant interest of linguists in the lexicon of this field. Indeed, in the works of foreign and domestic linguists, much attention is paid to the problem of learning Latin mastery. Indeed, the Latin language serves as a basis for the creation and formation of medical terms.